



ЎЗБЕКИСТОН СОЛИҚ МАЪМУРИЯТЧИЛИГИДАГИ МАВЖУД МУАММОЛАР ВА КАМЧИЛИКЛАР

Бабаев Фаррух

Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги
“Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг
илмий асослари ва муаммолари” илмий тадқиқот маркази
ORCID: 0009-0000-2500-337X
farrux_1788@mail.ru

Аннотация. Мақолада Ўзбекистон солиқ маъмуриятчилигидаги ўзига хосликлар ҳақида сўз юритилади. Шунингдек, 2020–2024 йиллар давомида турли солиқлар бўйича тушумлар таҳлил қилиниб, ҳолат иқтисодий баҳоланган. Солиқ маъмуриятчилигини бугунги ҳолатини тубдан ислоҳ қилишда рақамлаштиришнинг аҳамиятига тўхталиб, идоралараро “ягона ойна” тизими концепцияси ва унинг афзалликлари очиқ берилган.

Калит сўзлар: солиқ, солиқ маъмуриятчилиги, рақамлаштириш, самарадорлик.

СУЩЕСТВУЮЩИЕ ПРОБЛЕМЫ И НЕДОСТАТКИ В НАЛОГОВОМ АДМИНИСТРИРОВАНИИ УЗБЕКИСТАНА

Бабаев Фаррух

Научно-исследовательский центр «Научные основы и проблемы развития экономики
Узбекистана» при Ташкентском государственном экономическом университете

Аннотация. В статье рассматриваются особенности налогового администрирования в Узбекистане. Также были проанализированы поступления по различным налогам за 2020–2024 годы и дана экономическая оценка ситуации. Затронута значимость цифровизации в кардинальном реформировании современного состояния налогового администрирования, раскрыта концепция межведомственной системы «единого окна» и ее преимущества.

Ключевые слова: налог, налоговое администрирование, цифровизация, эффективность.

EXISTING PROBLEMS AND SHORTCOMINGS IN THE TAX ADMINISTRATION OF UZBEKISTAN

Babaev Farrukh

Scientific Research Center "Scientific Foundations and Problems of the Development of the
Economy of Uzbekistan" under Tashkent State University of Economics

Abstract. The article discusses the specifics of the tax administration of Uzbekistan. Also, the revenues from various taxes for 2020–2024 are analyzed and the situation is economically assessed. The importance of digitization in radically reforming the current state of tax administration is highlighted, and the concept of an interdepartmental "single window" system and its advantages are revealed.

Keywords: tax, tax administration, digitization, efficiency.

Кириш.

Хар қандай ривожланаётган мамлакатда солиқ тизими иқтисодиёт сиёсатининг заминини ташкил этиб, давлат бюджети барқарорлигида муҳим ўрин тутати. Солиқлар орқали иқтисодий жараёнларни тартибга солиш, аҳоли фаровонлигини ошириш, давлат харажатларини режалаштириш ва бозорда рақобат муҳитини яратиш каби мақсадлар амалга оширилади. Ўзбекистонда ҳам мустақиллик йилларидан буён солиқ сиёсатини такомиллаштириш бўйича кенг қўламли ислохотлар ўтказилган. Шу билан бирга, солиқ маъмуриятчилиги жараёнидаги баъзи муаммо ва камчиликлар ҳали ҳам долзарблигини сақлаб келаётгани кўзга ташланади.

Адабиётлар шарҳи.

Закаряннинг (2023) фикрича эса: “Солиқ тизими ва сиёсати иқтисодий ривожланишда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, ўсиш, барқарорлик ва ҳаёт сифатига таъсир қилади. Иқтисодий ривожланишни рағбатлантириш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, турмуш даражасини ошириш учун рақобатбардош ва нейтрал солиқ тизими зарур. Бироқ, солиқ тушумларини ундириш имкониятларини тўлиқ рўёбга чиқариш учун солиқ маъмуриятчилигининг самарадорлиги жуда муҳимдир”.

Ҳиндистонда солиқ маъмурияти фискал сиёсат ва иқтисодий барқарорликнинг ажралмас қисми ҳисобланади. Солиқ ва солиқдан ташқари тўловларни маъмуриятчилигининг ўзига хос тизими молиявий хавфсизлик ва барқарор ривожланишни таъминлайди. Ҳиндистон тажрибаси фискал сиёсатни шакллантириш ва барқарор солиқ ва бюджет тизимини сақлаб қолишда мустаҳкам солиқ маъмурияти тизимининг муҳимлигини таъкидлайди (Shuvalova va Gordienko, 2024).

Киракосян ва Манухарян (2023): “Солиқ маъмуриятчилигининг самарадорлиги иқтисодиётни ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга, чунки у ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, инфратузилмани модернизация қилиш, солиқ тўловчилар ва солиқ органлари ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлашга хизмат қилади. Бу ҳамкорлик солиқ интизомини ўрнатиш ва жамиятнинг нормал фаолият юритишини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, пировардида иқтисодий ўсиш ва ялпи ички маҳсулотнинг ошишига хизмат қилади”.

Солиққа тортиш ҳукуматлар учун давлат хизматлари ва инфратузилмани ривожлантириш учун зарур бўлган даромадларни олиш учун жуда муҳимдир. Тўғри солиқ тузилмаси замонавий жамиятлар учун жуда муҳим, чунки у соғлиқни сақлаш, таълим ва хавфсизлик каби муҳим хизматларни қўллаб-қувватлайди, шунингдек, иқтисодий ривожланиш учун муҳим бўлган инфратузилма лойиҳаларини молиялаштиради (Mukhopadhyay, 2023).

Солиқларни тартибга солиш иқтисодий ривожланиш ва ижтимоий барқарорликни таъминлаш, фискал ва рағбатлантириш функцияларини мувозанатлашнинг асосий омили ҳисобланади. Солиқ маъмуриятчилиги сифатини ошириш ва солиқ таваккалчилигини бошқаришнинг давлат моделлари фискал органлар учун устувор вазифалардир. Самарали солиқни тартибга солиш солиққа тортишнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишга таъсирининг мослашувчанлигини ошириши мумкин (Korovi, 2020).

Иқтисодий истиқбол ривожланаётган мамлакатларда солиқ маъмурияти тармоқлар бўйича фискал тақчиллик ва солиқ юкларига сезиларли таъсир кўрсатади. Маъмурий чекловлар солиқ тушумлари тузилмасини заифлаштириши мумкин, бу барқарорлаштириш, самарадорлик ва тенглик мақсадларига таъсир қилади. Шундай қилиб, самарали солиқ маъмуриятчилиги иқтисодий мақсадларга эришиш учун муҳим аҳамиятга эга (Mansfield, 1987).

Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш иқтисодиётни ривожлантириш учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Асосий элементларга солиқ тизимига ишонч, шаффоф

тартиб-қоидалар, самарали даромад хизматлари ва солиқ тўловчилар маданиятини ошириш киради. Бу элементлар иқтисодий ўсиш учун муҳим бўлган мустаҳкам солиқ тизимига ҳисса қўшади (Begiashvili, 2020).

Солиқ маъмуриятчилиги самарали солиқ сиёсатининг муҳим таркибий қисми бўлиб, солиқ органлари томонидан солиқ ундирилишини таъминлаш бўйича бошқарув тартиб-қоидалари ва ҳаракатларини ўз ичига олади. Самарали солиқ маъмурияти иқтисодий ўсиш ва ривожланиш учун зарур бўлган солиқлар ва йиғимларни сафарбар қилишни қўллаб-қувватлайди (Magopets va Gai, 2023).

Юқоридагиларга асосланадиган бўлсак, самарали солиқ маъмуриятчилиги давлатнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш, инфратузилма ривожланишини қўллаб-қувватлаш ва иқтисодий ўсишга ҳисса қўшишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Унинг самарадорлиги давлат ва жамият ўртасидаги ишончни мустаҳкамлайди, солиқ интизомини таъминлайди ва ижтимоий-иқтисодий мақсадларга эришишда стратегик аҳамиятга эга.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Ўзбекистонда солиқлар давлат бюджети моддий асосини шакллантириши билан бирга, турли соҳа ва йўналишларни молиялаштиришда ҳам асосий манба ҳисобланади. Масалан, инфратузилма: автомобиль йўллари қурилиши, темир йўллар ривож, коммунал тармоқларни янгилаш, таълим-иқтисослашув лойиҳалари, соғлиқни сақлашда янги клиникалар очилиши – булар барчасида солиқ тушумлари ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Шу билан бирга, аҳоли турмуш даражаси, ижтимоий дастурлар ҳам солиқлардан тушадиган маблағлар билан татбиқ этиб борилади.

Бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтиш

- Совет давридаги марказлашган режавий иқтисодиётдан бозор муносабатларига ўтиш жараёни энг асосий хусусиятлардан биридир.

Мультитармоқли иқтисодиёт

- Мамлакатда саноат, қишлоқ хўжалиги, хизмат кўрсатиш, туризм, транспорт ва бошқа тармоқлар бир-бири билан чамбарчас боғлиқ равишда ривожланиб боради.

Регионал тафовутлар

- Вилоятлар, шаҳарлар, туманлар бир-биридан иқтисодий салоҳият, иқтисодий маданият, аҳоли сони, иш билан бандлик даражаси каби кўрсаткичлар билан фарқ қилади. Демак, солиқлар бўйича бирдек ёндашув ҳамма жойда бир хил самара бермаслиги мумкин.

1-расм. Ўзбекистон шароитида солиқ маъмуриятчилигидаги ўзига хосликлар¹

Манба: муаллиф ишланмаси.

Жаҳон амалиётида солиқ ставкасини аниқ белгилаш жуда нозик масала. Агар ставка жуда юқори бўлса, бизнес назоратдан четлашиши ёки инвестиция муҳити совиши мумкин. Аксинча, солиқлар жуда паст бўлса, давлат бюджети фаровонлик, инфратузилма, социал лойиҳаларни ривожлантириш учун ресурссиз қолиши эҳтимоли бор. Ўзбекистонда ҚҚС ставкаси бир неча йил олдин 20% бўлган бўлса, ҳозирда 12% дагиси қўлланмоқда. Даромад солиғи ва бошқа турдаги ставкалар ҳам бироз енгиллаштирилган. Бироқ айрим соҳаларда имтиёзлар ортиб кетгани боис энг кўп солиқ юки қолган корхоналарда ноқулай вазият юзага келиши мумкин.

¹ Муаллиф ишланмаси.

Расмий статистикада ифодаланмайдиган иқтисодий фаолият ҳозир ҳам кўплаб иқтисодчиларни ўйлантиради. Нақд пул айланмаси катта бўлган тижорат, расмий меҳнат шартномасига эга бўлмаган ишчилар, ноқонуний йўллар билан четдан олиб келинаётган товарлар – бундай вазиятлар мамлакат иқтисодиётида муайян шундай «параллел» сфера борлигини кўрсатади. Норасмий иқтисодиёт мамлакатда адолатли рақобатни бузади, бюджет тушумлари қисқаришига, меҳнат бозорида хавфсизлик пасайишига, коррупция элементларининг кўпайишига сабаб бўлади.

Замонавий дунёда солиқ маъмуриятчилигида энг катта трансформация – бу рақамлаштиришдир. Электрон ҳисобот, электрон инвойс, электрон кабулхона, электрон тўловлар. Лекин кўплаб минглаб ҳудудларида интернет тезлиги пастлиги ва серверлар инфратузилмасининг чекланганлиги сабабли рақамлаштириш мураккаб кечаяпти. Техник базанинг сустлиги, киберхавфсизлик чораларининг кам таъминлангани ва ходимларнинг дастурий қарорлар билан ишлаш малакасининг пастлиги бу жараёни секинлаштирмоқда.

Солиқ қўмитаси, Божхона қўмитаси, Иқтисодиёт ва Молия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Статистика қўмитаси. Бу барча идоралар бир-бирига боғлиқ бўлмаган дастурлар, платформалар ва маълумотлар базаси билан ишлаши мумкин. Қолаверса, улар ахборот алмашинувида ягона электрон тизим мавжуд бўлмаганда, такрорий сўровлар, бюрократик кечикишлар пайдо бўлади. Натижада тадбиркор корхона кўп вақт ва ресурс сарф қилиши керак бўлиб қолади, солиқ маъмуриятчилиги эса ўз вазифасини тежамкор бажара олмайди.

2019 йилда янгиланган Солиқ кодекси қабул қилинган бўлса-да, бир неча қонуности ҳужжатлар, Президент фармонлари ва Вазирлар Маҳкамаси қарорлари бир-бирига биров зид бўлиши ёки номувофиқ жойлари бўлиши мумкин. Суд амалиётида турли талқинлар, бир-бирига мос келмайдиган ҳуқуқий ҳуқуқлар енгил бўлмаган муаммоларни келтириб чиқаради. Бу тадбиркорлик муҳитида ишончсизлик пайдо бўлишига олиб келиши мумкин.

Шунингдек, солиқ маъмуриятчилиги кадрларининг малакаси энг муҳими. Чунки технологик инновациялар, электрон маълумотлар билан ишлаш, ҳуқуқий нормаларни тўғри талқин этиш, чет эл инвесторлари билан очиқ муомала қилиш каби кўплаб кўникма талаб этилади. Агар ходимлар малакаси етарли бўлмаса, бу муаммолардан ташқари, потенциал коррупция ҳолатлари, ҳужжатларни нотўғри расмийлаштириш, мукаммал бўлмаган текширувлар юзага келиши мумкин.

Солиқ маъмуриятчилиги жараёнини тушуниш учун реал кўрсаткичлар хоҳлаймиз. Қуйида 2020–2024 йиллар давомидаги маълумотларни (бизнесда кўпроқ учрайдиган турдаги солиқлар бўйича) келтирамиз.

1-жадвал.

2020–2024 йиллар давомида турли солиқлар бўйича тушумлар (млрд сўмда)


Солиқ турлари	2020	2021	2022	2023	2024
ҚҚС (Қўшилган қиймат солиғи)	20485,6	25572,2	32812,1	33983,5	39567,1
Фойда солиғи	28670,0	38363,3	37649,9	40778,9	52663,5
ЖШлар даромад солиғи жами	14854,5	18521,0	23891,2	29518,4	34884,7
Акциз солиғи	10838,8	12778,9	13077,2	15132,9	17764,5
Мол-мулк солиғи	1 240,8	1 576,1	3 040,5	3 609,3	4 425,5
Ер солиғи	1 306,8	2 662,5	3 422,0	4 018,1	4 864,0
Жами	77396,5	99474	113892,9	127041,1	154169,3

Манба: Ўзбекистон Республикаси Солиқ қўмитаси (<https://gov.uz/oz/soliq>) маълумотлари асосида муаллиф томонидан шакллантирилган.

2020–2024 йиллар давомидаги маълумотларга асосланиб, Ўзбекистонда солиқ тушумларининг изчил ўсиши кузатилмоқда. Жумладан, Қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС) 2020 йилдаги 20,5 трлн сўмдан 2024 йилда 39,5 трлн сўмгача, яъни деярли икки баробарга ошган. Фойда солиғи эса 28,6 трлн сўмдан 52,6 трлн сўмгача кўтарилиб, ушбу турдаги солиқнинг устуворлиги сақланиб қолган.

Жисмоний шахслар даромад солиғи жами 2020 йилда 14,8 трлн сўм бўлса, 2024 йилда 34,8 трлн сўмга етган. Акциз солиғи ҳам муттасил ўсишда – 2020 йилда 10,8 трлн сўмдан 2024 йилда 17,7 трлн сўмгача. Мол-мулк ва ер солиқлари ҳам икки баробардан ортиқ ошгани бюджетнинг маҳаллий манбалари кенгайганини англатади.

Умумий тушумлар 2020 йилда 77,4 трлн сўмдан 2024 йилда 154,1 трлн сўмгача етгани – бу солиқ маъмуриятчилигининг самарадорлигини, рақамлаштириш, тўлов интизоми ва иқтисодий ўсиш билан боғлиқ ижобий ўзгаришларни тасдиқлайди.



2-расм. Солиқ маъмуриятчилиги тизимида идоралараро ҳамкорлик тузилмаси

Манба: муаллиф ишланмаси.

2-расмга қарайдиган бўлсак, давлат бошқарувининг юқори нуқтасидан – Президент даражасидан бошлаб, молия ва солиқ органлари орқали маҳаллий инспекциялар ҳамда тўғридан-тўғри солиқ тўловчиларгача бўлган тизимли йўналиш акс эттирилган.

Мазкур тузилмада Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда Давлат солиқ қўмитаси ўртасидаги вертикал бошқарув жараёни асосий роль ўйнайди. Давлат солиқ қўмитаси нафақат солиқ йиғиш ва назорат қилиш билан, балки барча солиқ турлари бўйича ҳисоботлар, тушумлар таҳлили, стратегия ва сиёсат ишлаб чиқиш билан ҳам шуғулланади. У бу вазифаларни амалга оширишда бошқа давлат органлари – Божхона қўмитаси, Статистика қўмитаси, Ички ишлар вазирлиги, Марказий банк ва бошқа соҳавий тузилмалар билан идоралараро ахборот алмашинуви ва мувофиқлашув асосида иш олиб боради.


Бу ўзаро боғлиқликлар нафақат маълумотлар базасини бойитиш, балки ноқонуний айланмаларни фош этиш, тўлиқ солиқлаштириш базасини шакллантириш ҳамда солиқ тўловчилар фаолиятини мониторинг қилиш учун муҳим ҳисобланади.

Туман/шаҳар солиқ инспекциялари эса жойларда амалий ишларни ташкил этиб, жисмоний ва юридик шахслар билан бевосита мулоқотда бўлади. Ушбу инспекциялар Давлат солиқ қўмитасининг кўрсатмалари асосида фаолият юритади, аммо уларнинг ҳар бири ўзига хос ҳудудий хусусиятлар, инфратузилма ва иқтисодий муҳит билан боғлиқ фаолият олиб боради.

Шу боис, тузилмада соддалаштирилган ҳолда берилган тузилма амалда анча кенг қамровли, функционал жиҳатдан мураккаб ва технологик интеграция талаб этадиган тизимни англатади. Ушбу тизимнинг муваффақиятли ишлаши солиқ маъмуриятчилиги самарадорлигига, солиқ тушумлари барқарорлигига ва кенг маънода мамлакат иқтисодий хавфсизлигига бевосита таъсир кўрсатади.

Солиқ маъмуриятчилиги кенг қамровли вазифаларни бажаради. Бу вазифаларда Божхона қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Статистика қўмитаси ҳаракатлари жуда муҳим. Агар маълумотлар базаси ягона бўлса, ортиқча қоғозбозлик, такрорий текширувлар, субъектив тўсиқлар камаяди.

“Ягона ойна” – бу давлат органлари ва солиқ тўловчилар ўртасидаги алоқани марказлашган, рақамлашган ва автоматлаштирилган шаклда ташкил қилиш тизимидир. Халқаро иқтисодий амалиётда бу тушунча аввало божхона операциялари жараёнида жорий этилган бўлса-да, кейинчалик кенг қамровли идоралараро маълумот алмашинуви ва маъмурий жараёнларни енгиллаштириш воситаси сифатида солиқ маъмуриятчилигига ҳам татбиқ этилди.



3-расм. Идоралараро “ягона ойна” тизими концепцияси

Манба: муаллиф ишланмаси.

Илмий ва институционал асосларини кўриб чиқадиган бўлсак, хусусан:

1. Иқтисодий институционал назарияга кўра, идоралар ўртасида ахборот оқимининг марказлашиши транзакцион харажатларни камайтиради, ишлаш самарадорлигини оширади ва фуқаролар учун маъмурий юкни енгиллаштиради.

2. Рақамли давлат концепциясида, давлат хизматларининг интеграциялашган ҳолда бир нуқта орқали кўрсатилиши давлат ресурсларини тежаш, коррупция хавфини пасайтириш ва ишонч муҳитини шакллантиришда муҳим ҳисобланади.

3. Ташкилий менежмент назарияси бунга реал вақтда ишлов берувчи автоматлаштирилган тизимларнинг ташкилот ичи ва у билан боғлиқ агентликлар ўртасидаги алоқани такомиллаштирувчи омил сифатида қарайди.

Бу схема бирлаштирилган ахборот тизимлари асосидаги хизматлар концепциясини кўрсатади. Бу ерда фуқаро ёки тадбиркор битта электрон платформа орқали турли идораларга маълумот тақдим этади ва маълумот алмашинуви автоматик тарзда амалга оширилади.

Шу асосда:

- Солиқ ҳисоботлари Солиқ қўмитасига;
- Импорт/экспорт ҳужжатлари Божхона хизматига;
- Қарорлар таҳлили ва макроиқтисодий ҳисоботлар Статистика қўмитасига;
- Молиявий мониторинг ва бюджет алоқа жараёнлари Иқтисодиёт ва молия вазирлигига юборилади.

Афзалликлар ва натижавийлик:

✓ Маъмурий юкни камайтиради – бир платформадан туриб барча идораларга маълумот узатиш имкони;

✓ Қарор қабул қилиш тезлашади – маълумотларнинг реал вақтда киритилиши ва таҳлили;

✓ Шаффофлик таъминланади – маълумотлар ягона базада сақланади, текшириш осонлашади;

✓ Коррупция хавфини пасайтиради – тўғридан-тўғри инсон омилини камайтирувчи автоматлаштирилган тизим;

✓ Инвестиция муҳитини яхшилади – солиқ ва маъмурий юк енгиллашган ҳолатда фаолият юритиш хорижий ва маҳаллий инвесторларни жалб қилади.

“Ягона ойна” тизими солиқ маъмуриятчилигидаги жараёнларни марказлаштириш, автоматлаштириш ва рақамлаштириш орқали самарадорликни оширишга қаратилган илғор ёндашувдир. Бу тизимни тўлиқ жорий қилиш орқали нафақат солиқ идоралари, балки барча давлат тузилмалари ўртасида ҳам самарали ҳамкорлик, ахборот алмашинуви ва шаффоф бошқарувни таъминлаш мумкин бўлади. Ушбу ёндашув бугунги кунда рақобатбардош иқтисодиётлар учун стратегик устунлик ҳисобланади.

Солиқлар орқали тушган маблағлар бюджетда йўналтириладиган энг муҳим тарафлардан бири – бу ижтимоий таъминот. Жумладан, кам таъминланган оилаларга нафақалар, ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш, таълим грантлари ва жойларда саноат инфратузилмаси учун ажратиладиган сармоялар шулар жумласидандир. Солиқ тизими адолатли тарзида ташкил этилмас экан, бу мақсадларга етарлича ресурс йўналмайди.

Солиқлар ички бозорда ҳақиқий иқтисодий ўсиш суратларини тартибга солади. Агар солиқлар қонуний ва шаффоф тартибда йиғиб олинса, давлат харидлари ва харажатлари бемалол режалаштирилади, шу орқали пировардида макроиқтисодий барқарорлик таъминланади. Шу билан бирга, тадбиркорлик муҳитида ишонч уйғониши белгиланади, турли қўмак дастурлари амалга оширилади.

Бир ҳафтада, бир ойда ёки бир йилда маҳаллий даражада ҳокимиятлар энг аввало солиқ тушумларига таянади. Масалан, ер солиғи, мулк солиғи кўпроқ маҳаллий бюджетга тушади. Шу сабабли, маҳаллий даражада солиқларни самарали йиғиш жуда муҳим. Бу пуллар жойларда йўлларни таъмирлаш, мактаблар қуриш, шошилинч тиббий ёрдам тизимини такомиллаштириш, уй-жой соҳасида имконият яратиш каби мақсадларга йўналтирилади.

Вилоят ва шаҳарларда кадрлар етишмовчилиги, техник база заифлиги, жойларда интернет билан боғлиқ муаммолар, келишмовчиликлар энг катта тўсиқлардир. Иқтисодий салоҳияти баланд ҳудудларнинг биронтасида топилган ечимлар

иккинчисига тўғри келмаслиги мумкин. Шу сабаб ҳар бир минтақа учун мослашувчан солиқ маъмуриятчилиги сиёсатини ишлаб чиқиш лозим.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда йирик инфратузилма лойиҳалари (энергетика, коммуникациялар, транспорт)да хусусий сармояларни жалб этиш мақсадида Давлат-хусусий шериклик (ДХШ) модели кенг жорий этилаяпти. Бу моделда давлат ва хусусий сектор ҳамкорлиги орқали муҳим стратегик лойиҳалар амалга оширилади. Солиқ маъмуриятчилиги ушбу жараёнда имтиёзлар, тақдим этилаётган маъмурий енгилликлар, ҳисобот тизимлари борасида аниқ йўналишлар белгилаши керак.

Хусусий сектор билан яқиндан ишлаш рақамлаштириш жараёнини тезлаштиради, ахборот технологиялари соҳасида инновацияларни олиб келади. Айрим мамлакатлар тажрибасидан маълумки, бу йўл билан тезроқ «электрон давлат» тизимини жорий этиш, солиқ тўловчилар базасини кенгайтириш, енгиллаштирилган мониторинг қилиш имконияти пайдо бўлади.

Ўзбекистон халқаро иқтисодиётга чуқур интеграциялашаётган, ички бозорда турли инновациялар шиддат билан олиб кирилаётган бир пайтда, солиқ маъмуриятчилигида ҳам катта трансформация жараёни юз бериши муқаррар. Рақамлаштириш, онлайн хизматлар, электрон тижорат ва электрон трансакцияларнинг ўсиши давлат органларидан бутунлай янги ёндашувларни талаб қилади.

1. Рақамли активлар ва криптовалюталар ортидан трансчегаравий операцияларни солиққа тортишда аниқ механизмларни ишлаб чиқиш талаб қилинади.

2. Чет эл платформалари орқали асосий айланма амалга оширилаётган тизимда мамлакат ичидаги қабули қандай кўринишга эга бўлиши, транзакция воситачиларининг солиқ мажбурияти, электрон тўлов тизимларининг интеграцияси каби масалалар илмий ёндашувни талаб қилади.

3. Маълумотлар базасини ҳимоялаш, фирибгарликка қарши кураш чоралари ҳисоботлар жараёнларида муҳим.

4. Рақамли иқтисодиётда «Uber», «Airbnb», «Amazon», «Alibaba» каби глобал платформалар соҳаларни тубдан ўзгартириб юборяпти. Уларда ҳам энг катта масала – солиқ муносабатлари аниқ мониторингини ташкил этиш.

Хулоса ва таклифлар.

Юқоридаги таҳлиллар асосида бир нечта муҳим хулоса ва тавсиялар:

Солиқ юкини оптималлаштириш: Турли соҳа ва тармоқлар учун жорий қилинган ставкалар, имтиёзлар тизими доимий қайта кўриб чиқилиши, иқтисодиёт ҳолати билан мослаштирилиши зарур. Акс ҳолда, солиқлар юки кескин бир соҳага йўналиши сабабли солиқ базасини тортиб қўйиши мумкин.

Рақамлаштиришни чуқурлаштириш: Давлат солиқ қўмитаси бошчилигида божхона, молия, статистика, банк секторлари билан битта ягона маълумотлар базаси яратилиши керак. «Ягона ойна» услуги билан тадбиркорларга бир неча платформаларда сарсон бўлмасдан, бир портал орқали барча операцияларни бажариш имконини бериш мақсадга мувофиқ.

Норасмий иқтисодиётни қисқартириш: Юқорида зикр этилганидек, электрон тўловлар оммалашуви, кадрлар малакасини ошириш, расмийлашмаган корхоналарга енгилликлар ва тушунтириш ишлари давомли равишда олиб борилиши лозим. Шундай бўлса, расмий секторда рақобат муҳити яхшиланади, бюджет тушумлари ошади.

Идоралараро мувофиқлашув: Мумкин қадар факсимил, қоғоз кўринишидаги ҳужжатларни қисқартириш, давлат идоралари базасини бирлаштириш, ошкора маълумотлар билан ишлаш тизимини такомиллаштириш – бу солиқ маъмуриятчилиги самарадорлигини оширади.

Халқаро ҳамкорлик: Жаҳон банки, ХВЖ, OECD каби ташкилотлар билан технологик, молиявий, маслаҳат йўналишида ҳамкорликни кенгайтириш лозим. Шу тариқа илғор тажриба олиб кирилади, халқаро бозорда ҳам мамлакат обрўси ошиб боради.

Рақамли иқтисодиёт шароитида ҳуқуқий базани такомиллаштириш: Электрон тижорат, криптовалюта, электрон хизматлар, электрон трансакциялар билан боғлиқ ҳуқуқий механизмлар тезкор ишлаб чиқилмас экан, асоссиз бўшлиқлар кўпайиб кетиши мумкин.

Маҳаллий бюджетлар роли: Вилоят ва шаҳарларда ҳоким қарори билан амалга ошириладиган лойиҳалар учун маҳаллий даражада солиқ тушумларини кенгайтириш, инфратузилма лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш муҳимдир. Ҳар бир маҳаллий солиқ идораси замонавий ахборот технологиялари билан таъминланиши, техник ва малакавий муаммоларни ечиши керак.

Давлат-хусусий шериклик: Йирик инфратузилма лойиҳалари, технологик жараёнлар учун хусусий сектор маблағлари, инновациялари жалб қилинса, солиқ маъмуриятчилиги учун ҳам қулай имкониятлар очилади.

Илмий таҳлиллар натижасида қатор амалий ёндашувлар илгари сурилди: солиқ юки мутаносиблиги, рақамлаштириш жараёни, идоралараро интеграция, кадрлар салоҳиятини ошириш, ҳуқуқий коллизияларни бартараф этиш, норасмий иқтисодиётга қарши кураш, давлат-хусусий шериклик муносабатларини чуқурлаштириш. Шунингдек, халқаро амалиётдан илғор технологиялар ва тартиблардан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этиши таъкидланди.

Таъкидлаш жоиз, янги иқтисодий шароитда рақамли иқтисодиёт, электрон тижорат, онлайн савдо, электрон тўловлардан кенг фойдаланиш жараёни тезлашиб бораётган экан, солиқ маъмуриятчилигида ҳам шунга мос турли ҳуқуқий механизмлар, дастурий таъминот, киберхавфсизлик чоралари ва ишчи кадрлар салоҳияти ошириб борилиши керак. Шу билан бирга, жойларда хусусий сектор билан ҳамкорлик қилиб, минтақалар кесимида янгича инновациялар жорий этилиши мақсадга мувофиқдир.

Адабиётлар/Литература/References:

Begiashvili, R. (2020). Improving tax administration important elements, 104-110. <https://doi.org/10.35945/GB.2020.09.013>.

Koroviy, V. (2020). Tax regulation of socio-economic development. , 147-155. <https://doi.org/10.31470/2306-546X-2020-47-147-155>.

Magopets, O., & Gai, O. (2023). Administration of taxes in the system of factors ensuring the effective implementation of the tax policy of the state. *Central Ukrainian Scientific Bulletin. Economic Sciences*. [https://doi.org/10.32515/2663-1636.2023.9\(42\).90-99](https://doi.org/10.32515/2663-1636.2023.9(42).90-99).

Mansfield, C. (1987). Tax Administration in Developing Countries: An Economic Perspective. *Political Economy (Topic)*. <https://doi.org/10.2307/3867282>.

Mukhopadhyay, (2023). A Case Study on Importance of Taxation on Developing the Modern Society. *International Journal of Advanced Research in Science, Communication and Technology*. <https://doi.org/10.48175/ijarsct-8026>.

Kirakosyan, N., & Manucharyan, M. (2023). The role and significance of international experience of tax administration and tax system management in ra tax system. *ALTERNATIVE*. <https://doi.org/10.55528/18292828-2023.1-52>.

Shuvalova, E., & Gordienko, M. (2024). Practice of Collecting Tax and Non-Tax Payments in India. *Vestnik of the Plekhanov Russian University of Economics*. <https://doi.org/10.21686/2413-2829-2024-5-102-112>.

Zakaryan, M., & Zakaryan, Z. (2023). The Role of the Tax System in the Country's Economy. *Scientific Proceedings of the Vanadzor State University. Humanities and Social Sciences*. <https://doi.org/10.58726/27382915-2023.1-377>.